

ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА ҚОР ЁҒМОҚДА



А-373 "М-39 а/й Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон-Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлиниң Қамчиқ довонидан ўтган қисми 188-253 км.лар оралиғида қор ёғмоқда.

Қор ёғиб турган пайтда довонда транспорт воситаларининг бетўхтов икки томонлама харакатланиши таъминлаш учун "Қамчиқавтойўл" ИЙФУК томонидан йўл қопламасида сирпанчиқ бўлмаслигини олдини олиш мақсадида туну-кун йўлларга қум-туз аралашмаси сепиш, йўлларни қордан тозалаш ишлари бажарилмоқда.

Ҳозирги вақтда автотранспорт воситалари икки томонлама хавфсиз харакатланмоқда. Довонда вақти-вақти билан қор ёғиб, туман тушиш ҳолати кузатилмоқда. Йўлларда қўриниши 300 метрни, ҳаво ҳарорати - 4 даражага, намлик 66 фоизни ташкил этмоқда. Шамол тезлиги 2-11 м/с. Қамчиқ" довони йўлидан юрадиган ҳайдовчилардан барча хавфсизлик чораларини кўришларини тавсия қилиб қоламиз.

Автомобиль йўллари кўмитаси

Ахборот хизмати